

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.01.2020.К.Т.104.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ҚАЙПНАЗАРОВ ТУРДИБАЙ НЗАМАТДИНОВИЧ**

***ASTRAGALUS* ТУРКУМИГА МАНСУБ *A. FILICAULIS*,  
*A. JANISCHEWSKYI*, *TRAGACANTHA STIPULOSA*  
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ЦИКЛОАРТАН ГЛИКОЗИДЛАРИ ВА  
УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Кайпназаров Турдибай Нзаматдинович**

*Astragalus* туркумига мансуб *A. filicaulis*, *A. janischewskyi*, *Tragacantha stipulosa* ўсимликларининг циклоартан гликозидлари ва уларнинг биологик фаоллиги.....5

**Кайпназаров Турдыбай Нзаматдинович**

Циклоартановые гликозиды растений *A. filicaulis*, *A. janishewskyi*, *Tragacantha stipulosa* рода *Astragalus* и их биологическая активность..... 21

**Каупназаров Турдибай Нзаматдинович**

Cycloartane glycosides of *A. filicaulis*, *A. janishewskyi*, *Tragacantha stipulosa* of the *Astragalus* plants genus and their biological activity..... 39

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.02/30.01.2020.К.Т.104.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**ҚАЙПНАЗАРОВ ТУРДИБАЙ НЗАМАТДИНОВИЧ**

***ASTRAGALUS* ТУРКУМИГА МАНСУБ *A. FILICAULIS*,  
*A. JANISCHEWSKYI*, *TRAGACANTHA STIPULOSA*  
ЎСИМЛИКЛАРИНИНГ ЦИКЛОАРТАН ГЛИКОЗИДЛАРИ ВА  
УЛАРНИНГ БИОЛОГИК ФАОЛЛИГИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**Кимё фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси**

**АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент-2023**

Фалсафа доктори (PhD) диссертация мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги хузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2023.2PhD/K264 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифаси ([www.academy.uz](http://www.academy.uz)) ва "ZiyoNet" Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Рамазонов Нурмурод Шералиевич  
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Нишанбаев Сабир Зариббаевич  
кимё фанлари доктори  
Шомуродов Шавкат Абдуғанниевич  
кимё фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Тошкент Фармацевтика институти

Диссертация химояси Ўсимлик моддалари кимёси институти хузуридаги DSc.02/30.01.2020.K/T.104.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил 16 август соат 11 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100170, Тошкент ш. Мирзо Улугбек кўч., 77. Тел.: (+99871)262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48).

Диссертация билан Ўсимлик моддалари кимёси институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (30 рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100170, Тошкент ш. Мирзо Улугбек кўч., 77. Тел.: (+99871)262-59-13, факс: (+99871) 262-73-48, e-mail: [plant-inst@icps.org.uz](mailto:plant-inst@icps.org.uz))

Диссертация автореферати 2023 йил 10 август тарқатилди.  
(2023 йил 10.08 даги 9 рақамли реестр баённомаси).



Ш.Ш. Сағдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

Н.К. Хидирова

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш илмий котиби, к.ф.и.

Э.Х. Ботиров

Илмий даражалар берувчи илмий  
кенгаш кенгашидаги илмий семинар  
раиси, к.ф.д. профессор

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Бугунги кунда дунёда доривор ўсимлик хом ашёларидан олинадиган физиологик фаол моддаларга бўлган қизиқишнинг ортиб бориши муносабати билан, халқ табобатида кенг қўлланиладиган доривор ўсимликлардан индивидуал моддаларни ажратиб олиш, уларнинг биологик фаолликларини, физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш ва уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари амалга оширилмоқда. Юқори самарали доривор воситаларни яратишда ўсимликлардан ажратиладиган турли синф бирикмалар – алкалоидлар, фенол ва терпеноид бирикмалар, гликозидлар катта аҳамиятга эга.

Ҳозирги кунда тузилишининг ҳар хиллиги, кимёвий полифункционаллиги, физиологик фаоллигининг юқорилиги ҳамда улар асосида янги самарали доривор воситалар яратиш борасида катта имкониятга эга эканлиги билан циклоартан бирикмалари жаҳон фармакологларининг ва кимёгарларининг диққатини жалб этиб келмоқда. Тизимли тадқиқотлар дунёда кенг тарқалган *Astragalus* туркумига мансуб ўсимликлар ушбу бирикмаларнинг истиқболли манбалари эканлиги ва тиббиёт амалиёти учун ўткир ва сурункали юрак етишмовчилигида миокард қисқаришининг кучини оширадиган доривор воситалар, саратонга ҳамда вирусларга қарши препаратлар яратишда самарали хом ашё ҳисобланади.

Мамлакатимизда аҳолини маҳаллий хом ашёлар асосида янги табиий, самарали дори воситалари билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада муайян илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Хусусан, “Гликозидлар кимёси” лабораториясида экдистероидлар асосида “Экдистен”, ва “Аюстан” дори воситалари ишлаб чиқилиб, “Кардиартан” ва “Олденкор” каби биологик фаол қўшимчалар яратилган ва ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилмоқда. Шунингдек, ҳозирда “Циклосиверсиозид F” кардиопротектор препаратини ишлаб чиқариш технологиясини яратиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Шунинг учун, *Astragalus* туркумига мансуб ўсимликлардан табиий янги циклоартанларни ажратиб олиш, уларнинг кимёвий таркиби ва тузилишини аниқлаш; кардиотоник ва саратон касалликларига ҳамда вирусларга қарши фаолликларини аниқлаш, танлаб олинган биофаол моддалар асосида янги дори воситаларини яратиш ҳамда тиббиётга жорий этиш муҳим назарий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 21 январдаги ПФ-55-сон “2022-2026 йилларда Республиканинг фармацевтика тармоғини янада жадал ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида” ги Фармони, 2018 йил 14 февралдаги ПҚ-3532-сон “Фармацевтика тармоғини жадал ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар туғрисида” ги, 2019 йил 6 майдаги ПҚ-4310-сон “Тиббиёт ва Фармацевтика таълими ва илм фани тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари туғрисида” ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган

вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация иши маълум даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI. “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Ҳозирги кўнда дунё бўйича циклоартан бирикмалари 20 дан ортиқ оила, 25 та туркум ва 50 та тур ўсимлик турларидан ажратилган. Мазкур илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари томонидан қатор изланишлар олиб борилган, жумладан, Graduate School of Pharmaceutical Sciences, (Япония), Ege University, Gazi University, Hacettepe University, (Туркия), Salerno University, (Италия), Macau University, Nanjing Medical University (Хитой), Institut de Chimie Moleculaire de Reims (Франция), Institut Supérieur des Sciences Biologiques Appliquées de Tunis (Тунис), University of London (Англия), University of Karachi, (Покистон), King Saud University (Саудия Арабистони) ва бошқа илмий марказ олимлари томонидан ушбу ўсимликлар таркибидан циклоартан бирикмаларини ажратиш олиш, кимёвий тузилиши ҳамда фармакологик хоссаларини, улар асосида самарали доривор воситалар яратиш бўйича илмий изланишлар олиб боришмоқда.

Ушбу туркум ўсимликларининг Республикамизда 240 тадан ортиқ турлари тарқалган бўлиб, ЎЗР ФА Ўсимлик моддалари кимёси институти олимлари томонидан 300 дан ортиқ циклоартан бирикмалари ажратилган. Мазкур йўналишда Н.К. Абубакиров, А.Н. Свечникова, Р.У. Умарова, М.Б. Горовиц, К.Л. Сейтаниди, Я.В. Рашкес, М.Р. Ягудаев, З. Саатов, М.И. Исаев, К.Дж. Кучербаевлар тадқиқотлар олиб борганлар ва ҳозирда Н.Д. Абдуллаев, М.А. Агзамова, К.К. Утениязов Т.Х. Наубеев ва бошқалар томонидан кўплаб циклоартан бирикмалари ажратиш олиниб, уларнинг тузилишлари аниқланиб, биологик фаолликлари “Фармакология ва токсикология” бўлими олимлари томонидан ўрганилмоқда. Ажратиш олинган моддалардан циклосиверсиозид D гепатит касалликларини даволашда, циклосиверсиозид F кардиопротекторлик, агроастргалозид V – яллиғланишга қарши, циклосиверсиозид B иммуностимулятор, астргалозид IV мия ярим ишемиясида ҳимоялаш хусусиятларига эга. Шунинг учун, *Astragalus* туркуми турларини кимёвий тадқиқ қилиш долзарб илмий-амалий аҳамиятга эга мавзу ҳисобланади. Ўзбекистонда ўсадиган *Astragalus* туркумига мансуб ўсимликлар кам ўрганилганлиги, уларнинг заҳирасининг кўплиги, ушбу ўсимликлар таркибидан янги ва самарали биологик фаол бирикмаларни ажратиш олиш муҳимлиги ушбу мавзунини танлашга асос бўлиб хизмат қилади.

**Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация ЎЗР ФА академик С.Ю. Юнусов номидаги Ўсимлик моддалари кимёси институти, Гликозидлар кимёси лабораториясида 2000-2004 йиллар оралиғида илмий тадқиқот ишлари режаси бўйича “Ўсимлик объектларидан ажратилган

иридоид, тритерпен гликозидларининг ва экдистероидларнинг кимёвий тузилишлари” доирасида, шунингдек, 2018-2020 йилларда “ПЗ-20170927342 рақамли, *Phlomis* ва *Plomis* туркум ўсимликлари иридоидлари асосида антитоксик хусусиятга эга дори воситасини яратиш” амалий лойиҳа доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади.** Ўзбекистон флорасида ўсувчи *Fabaceae* оиласига тегишли *Astragalus* туркумига мансуб *Tragacantha stipulosa* Boriss, *Astragalus filicaulis* Kar. et Kir., *Astragalus janischewskyi* Popov., ўсимликларидан циклоартан қаторига мансуб тритерпеноидларни ажратиб олиш, уларнинг кимёвий тузилиши ҳамда биологик фаолликларини тадқиқ қилишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

- *Tragacantha stipulosa*, *Astragalus filicaulis* ва *Astragalus janischewskyi* ўсимликларини ер устки қисмини метанолда экстракция қилиш, метанолли экстрактни кутблилиги ошиб бориш тартибида ҳар хил органик эритувчилар билан (хлороформ, этилацетат, *n*-бутанол) фракцияларга ажратиш;

- ажратилган фракциялардан хроматографик усуллар ёрдамида циклоартан тритерпеноидлари ва гликозидларини ажратиш;

- ажратилган бирикмаларнинг кимёвий тузилиши ва хоссаларини физик-кимёвий ва биологик тадқиқот усуллари ёрдамида аниқлаш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида *Tragacantha stipulosa*, *Astragalus filicaulis* ва *Astragalus janischewskyi* ўсимлик турлари танланган.

**Тадқиқотнинг предмети** – юқорида кўрсатиб ўтилган учта тур ўсимликлардан ажратилган циклоартан гликозидларининг кимёвий тузилиши, физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш ва экстрактив ҳамда индивидуал компонентларнинг биологик фаолликларини аниқлашдан иборат.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотлар жараёнида экстракция, филтрлаш, қуюлтириш, хроматографик (ЮҚХ, ҚХ, ЮСЮҚХ ва КХ), ажратиб олинган бирикмаларнинг кимёвий тузилишини исботлаш учун кимёвий (ишқорий, кислотали гидролиз), физикавий (УБ, ИҚ, <sup>1</sup>Н ва <sup>13</sup>С ЯМР-спектроскопия, масс-спектрометрия) ҳамда биологик тадқиқот усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

- илк мартаба *Tragacantha stipulosa*, *A. filicaulis* ва *A. janischewskyi* ўсимлик турлари ер устки қисмидан 15 та циклоартан моддалари ажратиб олинган, уларнинг кимёвий тузилишлари физик-кимёвий тадқиқот усуллари ёрдамида тасдиқланган;

- *Tragacantha stipulosa* ўсимлик туридан 8 та циклоартан бирикмалари ажратиб олинган, ушбу бирикмаларнинг 3 таси адабиётларда маълум бўлмаган янги табиий модда эканлиги аниқланган;

- *A. filicaulis* ўсимлик туридан 2 та циклоартан қатори тритерпеноидлар биринчи марта индивидуал ҳолда ажратиб олинган;

- илк марта *A. janischewskyi* ўсимлигидан 5 та циклоартан моддаси ажратиб олинган;

- юқорида келтирилган ўсимликлардан биринчи марта ажратиб олинган 12 та бирикманинг тузилишлари идентификация қилинган;

*A. filicaulis* ва *A. janischewskyi* ўсимликлари циклоартанлар йиғмаси кардиотроп хусусиятга эга эканлиги аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** куйидагилардан иборат:

- *Tragacantha stipulosa* ва *A. janischewskyi* ўсимликлари циклоартан бирикмаларини олиш учун бой хом ашё манбаи сифатида тавсия этилган;

- илк маротаба ЮСЮКХ усули ёрдамида *A. janischewskyi* ўсимлиги таркибидаги Астраголозид VII моддасини миқдорий таҳлил қилиш услуби ишлаб чиқилган;

- *A. filicaulis* ва *A. janischewskyi* ўсимликларидан ажратилган циклоартанлар йиғиндисидан иборат *n*-бутанолли фракцияларнинг биологик фаоллигини ўрганиш натижасида улар кардиопротектор фаолликка эгаллиги ва бу борада рибоксиндан устун эканлиги аниқланган. Тегишли таъсир, айниқса, адреналин билан чақирилган миокардитда аниқ намоён бўлган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** илмий натижаларнинг замонавий хроматографик, аналитик, физик-кимёвий ва биологик усулларни қўллаш ёрдамида олинганлиги, эталон моддалар билан таққослаш усулларидан фойдаланганлиги билан тасдиқланади. Натижаларнинг ҳаққонийлиги уларнинг республика ва халқаро илмий анжуманларда муҳокамадан ўтганлиги, тақриз қилинувчи хорижий илмий нашрларда чоп этилганлиги ва ЎзР интеллектуал мулк Агентлигининг ихтирога патент (IAP № 20230295) топширилганлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти, илк бор Республика ҳудудида ўсувчи *Tragacantha stipulosa*, *A. filicaulis* ва *A. janischewskyi* ўсимликлари ер устки қисмидан янги табиий циклоартан қатори тритерпеноид бирикмалари ажратилганлиги, ушбу 3 та тур ўсимликлардан ажратилган моддаларнинг тузилишларини исботлаш билан изоҳланади, бу эса табиий бирикмалар кимёсини, фитокимёвий таркиби ҳақидаги янги маълумотлар билан бойитишига хизмат қилади.

Тадқиқот иши натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, циклоартанларни ажратиш усуллари, фармакологик фаоллиги биоорганик кимё, фармацевтика ва фитокимё соҳаларида мазкур синф бирикмаларини ўрганишда ўқув ва илмий-тадқиқот ишларида фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади. Олинган маълумотлар турли юрак-қон томир касалликларини комплекс даволашда муваффақиятли қўлланиши мумкин бўлган *A. janischewskyi* ва *A. filicaulis* ўсимликларининг циклоартан гликозидларини ўз ичига олган экстракт суммаси асосида миокард-цитопротектив таъсирга эга янги самарали воситаларни яратиш истиқболларини кўрсатади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** *Tragacantha stipulosa*, *A. filicaulis* ва *A. janischewskyi* ўсимликларининг циклоартан қатори

тритерпеноидларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Техник олий ўқув юртлари талабалари учун мўлжалланган, лаборатория шароитида ўсимликлардан ажратилган ҳамда синтетик моддалар билан ҳар хил реакцияларни ўтказиш усуллари, назарий тушунчалар батафсил ёритилган, ҳар бир мавзудан кейин савол ва топшириқлар келтирилган “Органик кимё” ўқув қўлланмаси (Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг рухсатномаси 2022 йил “13” майдаги “166” – сонли буйруқ) чоп этилган. Натижада, 5630100 шифрдаги “Экология ва атроф муҳит муҳофазаси” йўналишидаги ўқув дастурини маълумотлар билан тўлдириш имконини берган;

Олиб борилган тадқиқот натижалари асосида чоп қилинган илмий мақолаларга Scopus базасига киритилган Impact Factor юқори бўлган Natural Product Reports, 2005, V. 22, 487-503, Sci Journal, IF 13.479, Phytochemistry, 2010, V. 71, 2182-2186, Sci Journal, IF 3.992, Tetrahedron, V. 64, 5061-5071, Sci Journal, IF 2.393 ва Journal of Asian Natural Products Research, 2022, V. 24, 884-890, Sci Journal, IF 1.466 журналларида ҳаволалар келтирилган. Натижада, мутахассисларга *Astragalus* туркуми ўсимликларининг кимёвий таркиби ҳақидаги маълумотлар олиш имкони яратилган;

*Tragacantha stipulosa*, *A. filicaulis* ва *A. janischewskyi* ўсимликларидан ажратилган циклоартан қатори тритерпеноидларининг ва сўнгги 10 йиллик даврда ўсимликлардан ажратиб олинган 100 дан ортиқ циклоартан қатори тритерпен бирикмаларининг тузилишларини исботлашда қўлланилган бирламчи ва иккиламчи ЯМР спектр маълумотлари ҳамда бу ўсимликларнинг биологик фаоллиги ҳақида маълумотлар келтирилган Т.Н. Кайпназаров, Т.Х. Наубеев, К.К. Утениязов, Н.Ш. Рамазонов авторлигида “Циклоартан тритерпеноидлари” номли монографиянинг чоп этилиши (Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети Кенгашида 2023 йил 6 январдаги №5/4.5 сон баёнида кўриб чиқилган ва босмага тавсия қилинган) натижасида табиий бирикмалар кимёси соҳасини янги маълумотлар билан бойитиш имкони яратилган;

*Astragalus* туркуми ўсимликларининг циклоартан қатори тритерпеноидларини фармакологик хусусиятларини тадқиқ қилиш бўйича олинган илмий натижалар асосида ЎЗР интеллектуал мулк Агентлигининг ихтирога патент “Антикоагулянт воситани олиш усули” номли ариза (IAP № 0295, 2023) топширилган. Олинган натижалар келгусида қон ивишига қарши самарали йўналтирилган таъсирга эга дори воситаси яратилиши учун асос бўлиши мумкин.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 9 та, жумладан 7 та ҳалқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида маърузалар қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, 1 та ўқув қўлланма, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги ОАКнинг кимё фанлари бўйича

фалсафа доктори (PhD) диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, жумладан 1 та республика, 2 та халқаро ва 2 та хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 102 бетни ташкил этади.

#### ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида олиб борилган фитокимёвий тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурийлиги, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предметлари тафсилланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва технологияларни ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг амалиётга тадбиқ этиш, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Циклоартанлар”** деб номланган **биринчи бобида** циклоартан тритерпеноидлари ажратиб олинган ўсимлик оилалари, туркумлари ва турлари бўйича адабиётлар шарҳи келтирилган. Уларнинг биологик фаолликлари, ўсимлик ҳужайраларида фитостероидларнинг биосинтези, циклоартан тритерпеноидларининг таснифи, 2013-2020 йиллар оралиғида ажратиб олинган 220 дан ортиқ циклоартан генинлари ва уларнинг гликозидлари, циклоартанларни ажратиш ва тузилишини аниқлашда физик-кимёвий усулларнинг қўлланилиши бўйича маълумотлар баён қилинган.

**“*Astragalus* туркумига мансуб *Tragacantha stipulosa*, *A. filicaulis* ва *A. janischewskyi* ўсимликларининг циклоартан гликозидлари”** номли **иккинчи бобида** тадқиқот бўйича олинган натижалар муҳокама қилинган.

Сурхондарё ва Жиззах вилоятлари тоғ адирларида ўсадиган *T. stipulosa* ўсимлигининг ер устки қисми метанолли экстракти текширилди (1-расм).



1-Расм. Ўсимликлардан циклоартанларни ажратиб олиш блок-схемаси

Тадқиқотлар давомида *Tragacantha stipulosa*, *A. filicaulis* ва *A. janischewskyi* турларининг ер устки қисмидан циклоартан бирикмаларини ажратиб олиш 1-расмдаги йўналишлар бўйича амалга оширилган. Натижада *Tragacantha stipulosa*, *A. filicaulis* ва *A. janischewskyi* ўсимликларининг ер устки

қисмидан жами 15 та гликозид ажратилди, шулардан *T. stipulosa* ўсимлигидан 8 та, *A. filicaulis* ўсимлигидан 2 та ва *A. janischewskyi* ўсимлигидан 5 та циклоартанлар ажратиб олинди (1-жадвал). Уларнинг кимёвий тузилишлари кимёвий, биологик, физик тадқиқотлар (Масс-спектрометрия, ИҚ, 1D ва 2D ЯМР спектроскопик) усулларига кўра аниқланди.

#### 1-Жадвал


#### Ажратилган моддаларнинг физик-катталиклари

<i>Tragacantha stipulosa</i> Boriss					
№	Модданинг номи	Брутто формуласи	Молек. масса	Суюқ.х., °С	Унум., %
<b>1</b>	<b>Циклостипулозид С (1) (931 мг)</b>	<b>C<sub>47</sub>H<sub>78</sub>O<sub>19</sub></b>	<b>946.5</b>	<b>232-235</b>	<b>0.037</b>
<b>2</b>	<b>Циклостипулозид D (2) (45 мг)</b>	<b>C<sub>41</sub>H<sub>68</sub>O<sub>14</sub></b>	<b>784.98</b>	<b>252-254</b>	<b>0.0018</b>
<b>3</b>	<b>Циклостипулозид E (3) (90 мг)</b>	<b>C<sub>53</sub>H<sub>94</sub>O<sub>24</sub></b>	<b>1111.28</b>	<b>272-274</b>	<b>0.0036</b>
4	Троянозид А (4) (1.5 г)	C <sub>43</sub> H <sub>70</sub> O <sub>15</sub>	1011.00	292-295	0.06
5	Циклоунифолиозид В (5) (17 мг)	C <sub>42</sub> H <sub>70</sub> O <sub>15</sub>	814.4	210-215	0.00068
6	Циклосиверсиозид E (6) (27 мг)	C <sub>40</sub> H <sub>66</sub> O <sub>13</sub>	754.96	255-256	0.001
7	Циклосиверсиозид F (7) (23 мг)	C <sub>41</sub> H <sub>68</sub> O <sub>14</sub>	784.98	260-261	0.0009
8	Циклоасцидозид E (8) (40 мг)	C <sub>47</sub> H <sub>80</sub> O <sub>19</sub>	948.5	233-234	0.015
<i>A. Filicaulis</i> Kar. Et Kir					
9	Циклосиверсиозид E (6) (22 мг)	C <sub>40</sub> H <sub>66</sub> O <sub>13</sub>	754.96	255-256	0.00022
10	Циклосиверсиозид G (9) (270 мг)	C <sub>46</sub> H <sub>76</sub> O <sub>17</sub>	900.5	253-254	0.0027
<i>A. janischewskyi</i> Popov					
11	Циклоунифолиозид В (5) (350 мг)	C <sub>42</sub> H <sub>70</sub> O <sub>15</sub>	814.4	210-215	0.035
12	Циклосиверсиозид E (6) (80 мг)	C <sub>40</sub> H <sub>66</sub> O <sub>13</sub>	754.96	255-256	0.0008
13	Циклосиверсиозид F (7) (150 мг)	C <sub>41</sub> H <sub>68</sub> O <sub>14</sub>	784.98	260-261	0.0015
14	Циклосиверсиозид G (9) (45 мг)	C <sub>46</sub> H <sub>76</sub> O <sub>17</sub>	900.5	253-254	0.00045
15	Астраголозид VII (10) (230 мг)	C <sub>47</sub> H <sub>78</sub> O <sub>19</sub>	946.52	291-292	0.0023

#### Янги циклостипулозид С (1) бирикманинг тузилиши

Циклостипулозид С (1) нинг ИҚ-спектрида 3050 см<sup>-1</sup> да циклопропан ҳалқа >CH<sub>2</sub> ва 3393 см<sup>-1</sup> да ОН боғларининг ютилиш чизиқлари кузатилади. <sup>1</sup>H ЯМР спектрида водород атомларининг ССТК <sup>2</sup>J=3.5 Гц га тенг катталиқдаги кўринишда 0.18 ва 0.52 м.у. даги дублетларнинг борлиги уч аъзоли ҳалқанинг мавжудлигини кўрсатади. Шунингдек, 7 та –CH<sub>3</sub> гуруҳлари протонларининг кучли майдондаги сигналлари, учта аномер протон сигналлари 4.78, 4.85, 4.88 м.у. ва <sup>13</sup>C ЯМР спектрларида учта аномер углерод атомлари 106.46, 107.68, 105.60 м.у. даги сигналлари мавжуд. Бу маълумотлар гликозид 1 нинг триозид эканлигини кўрсатади. Кислотали гидролиз қилиш натижасида углевод қисми ксилоза ва глюкоза моносахаридлари эканлиги аниқланди. Унинг <sup>13</sup>C ЯМР спектрида агликон қисми сигналлари циклосиверсигенин спектридаги С-21, С-22 ва С-24 ҳолатлардаги сигналларидан фарқ қилади. С-22 ва С-24 углерод атоми сигналлари +4.04 ва +2.90 м.у. га кучсиз майдонга, СН<sub>3</sub>-21 углерод атоми сигналининг тебраниш чизиги эса -2.37 м.у. га кучли майдонга силжиганлиги кўринади (2-жадвал). Бу маълумотлар 1-бирикманинг С-24 углерод атоми асимметрик маркази R-конфигурацияга эга эканлигидан далолат беради (1-схема). С-20 углерод атоми сигналлари -0.86 м.у. га кучли майдонга силжиган. Бу ўзгаришлар циклостипулозид С (1) нинг 20S, 24R

конфигурацияга эга эканлигин тасдиқлайди. Бундай 20*S*, 24*R*-конфигурацияга эга бирикма-циклогалегигениндир (**11**).



**1 - Схема. Циклостипулозид С (1) нинг кислотали гидролизи**

**1**-Модда спектрида С-3, С-6 ва С-16 атомлари сигналлари 88.66, 79.96 ва 83.50 м.у.га ўзгарганлиги кўринади. Бундан, қанд қолдиқлари модданинг генин қисмидаги С-3 С-6 ва С-16 углерод атомлари гидроксил гуруҳлари орқали боғланганлигини кўриш мумкин (2- жадвал).

## 2- Жадвал

**Циклостипулозид С (1) нинг <sup>1</sup>H ва <sup>13</sup>C ЯМР спектрларида атомларнинг кимёвий силжиш қийматлари (δ, м.у., C<sub>5</sub>D<sub>5</sub>N, 0-ТМС)**

С	<sup>13</sup> С	<sup>1</sup> Н	С	<sup>13</sup> С	<sup>1</sup> Н	С	<sup>13</sup> С	<sup>1</sup> Н	С	<sup>13</sup> С	<sup>1</sup> Н
<b>1</b>	32.29	1.54;1.22	<b>14</b>	47.30	-	<b>27</b>	27.50	1.41	<b>3'</b>	79.29	4.20
<b>2</b>	30.22	2.35;1.96	<b>15</b>	46.79	2.49;2.15	<b>28</b>	20.21	0.92	<b>4'</b>	71.94	4.17
<b>3</b>	88.66	3.52	<b>16</b>	83.50	4.53	<b>29</b>	28.78	2.04	<b>5'</b>	77.96	3.94
<b>4</b>	42.65	-	<b>17</b>	59.83	2.46	<b>30</b>	16.16	1.36	<b>6'</b>	63.30	4.61;4.35
<b>5</b>	52.60	1.87	<b>18</b>	21.16	1.60	3-О-β-D-Xylp			16-О-β-D-Glcp		
<b>6</b>	79.96	3.73	<b>19</b>	29.48	0.52;0.18	<b>1</b>	107.68	4.85	<b>1''</b>	106.46	4.87
<b>7</b>	35.05	2.37;1.78	<b>20</b>	87.04	-	<b>2</b>	75.61	4.08	<b>2''</b>	75.60	3.98
<b>8</b>	45.99	1.92	<b>21</b>	26.26	1.72	<b>3</b>	78.53	4.13	<b>3''</b>	78.86	4.18
<b>9</b>	21.17	-	<b>22</b>	38.71	2.26;2.18	<b>4</b>	71.31	4.22	<b>4''</b>	72.09	4.14
<b>10</b>	29.26	-	<b>23</b>	25.81	2.17;2.03	<b>5</b>	67.06	4.36;3.70	<b>5''</b>	78.36	3.96
<b>11</b>	26.46	1.83;1.23	<b>24</b>	84.34	4.06	6-О-β-D-Glcp			<b>6''</b>	62.94	4.59;4.38
<b>12</b>	33.07	1.90;1.85	<b>25</b>	71.31	-	<b>1'</b>	105.60	4.88			
<b>13</b>	46.79	-	<b>26</b>	26.46	1.47	<b>2'</b>	75.61	4.03			

ССТК Н', Н'' ва Н''' (7.5 Гц) катталикларига асосланган ҳолда модданинг моносахарид қолдиқлари β-конфигурацияга, <sup>4</sup>С<sub>1</sub>- конформацияга яъни пираноза шаклдаги ҳалқага эга эканлиги тасдиқланди. 1D ва 2D услубларини қўллаш орқали ва юқорида келтирилган барча маълумотларга асосланиб, **1**-гликозид 3-О-β-D-ксилопиранозид 6,16-ди-О-β-D-глюкопиранозид - 20*S*, 24*R* – эпоксициклоартан - 3β, 6α, 16β, 25 - тетраол тузилишига эга эканлиги исботланди.

### **Янги циклостипулозид D (2) бирикмасининг тузилиши**

Циклостипулозид D (**2**) ИҚ-спектрида 3035 см<sup>-1</sup> да циклопропан ҳалқа >СН<sub>2</sub> гуруҳи боғининг ютилиш чизиғи кузатилади. Бу бирикма (**2**) нинг <sup>1</sup>H ЯМР спектрида циклостипулозид С (**1**) нинг <sup>1</sup>H ЯМР спектридаги сингари кучли майдонда, ССТК <sup>2</sup>J=3.5 Гц га тенг катталиқдаги, дублет кўринишда, циклопропан ҳалқа >СН<sub>2</sub> гуруҳи протонлари учун тегишли бўлган 0.21 ва 0.60 м.у., даги сигналлар мавжуд (3-жадвал).

Кислотали гидролиз натижасида углевод қисми глюкоза ҳамда ксилоза моносахаридлари ва агликон қисми циклосиверсигенин (**12**) эканлиги

аниқланди. Гидролиз натижасида ўзининг физик-кимёвий хоссалари ва спектр маълумотлари сиверсигенин моддаси (13) билан бир хил бўлган бирикма ажратилди.

3 – Жадвал


Циклостипулозид D (2) нинг  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектрларида атомларнинг кимёвий силжиш қийматлари ( $\text{C}_5\text{D}_5\text{N}$ , O-TMC,  $\delta$ , м.д.).

№	$^1\text{H}$	$^{13}\text{C}$	№	$^1\text{H}$	$^{13}\text{C}$	№	$^1\text{H}$	$^{13}\text{C}$	№	$^1\text{H}$	$^{13}\text{C}$
1	1.61;1.26	31.97	12	1.65;1.57	33.15	23	2.33;2.06	26.20	3'	4.17	78.24
2	2.37;1.97	29.93	13	-	44.82	24	3.90	81.44	4'	4.22	71.65
3	3.55	88.29	14	-	46.00	25	-	71.00	5'	3.93	77.84
4	-	42.39	15	2.36;1.85	46.00	26	1.58	27.92	6'	4.48;4.32	62.88
5	1.90	52.30	16	5.01	73.14	27	1.30	26.81	6-O- $\beta$ -D-Xylp		
6	3.82	78.92	17	2.55	57.98	28	0.96	19.60	1''	4.92	107.37
7	2.30;1.87	34.38	18	1.42	20.83	29	2.02	28.34	2''	4.05	75.34
8	1.96	45.49	19	0.60;0.21	28.77	30	1.37	16.37	3''	4.22	79.03
9	-	20.83	20	-	87.00	3-O- $\beta$ -D-Glcp			4''	4.27	71.00
10	-	28.63	21	1.30	28.63	1'	4.85	105.44	5''	4.36;3.72	66.78
11	1.83;1.26	25.93	22	3.12;1.65	34.67	2'	4.08	75.34			

Сиверсигенин (13) нинг  $^1\text{H}$  ЯМР спектрида олефин протонига таълуқли 5.25 м.у. даги сигнал мавжуд эканлиги, циклопропан ҳалқа протонлари учун хос бўлган сигналлар эса йўқ эканлиги аниқланди. Яъни, кислоталар таъсирида циклоартан бирикмалардаги 9,19-циклопропан ҳалқа очилиб 9(11)-қўш боғ ҳосил қилади (2- схема).

Циклостипулозид D (2) нинг  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР-спектрларида иккита аномер протон сигналлари 4.85 ва 4.92 м.у. ҳамда глюкоза ва ксилоза моносахарид қолдиқларининг иккита аномер углерод атомлари 105.44 ва 107.37 м.у. сигналлари мавжуд (3 - жадвал).

$^1\text{H}$  ЯМР спектрдаги аномер протонлар спектрларининг дублет кўринишидаги ва ССТК  $^3J=7.5$  Гц катталиқларига асосланган ҳолда модданинг иккита моносахарид қолдиқлари ҳам  $\beta$ -конфигурацияга ва пираноза шаклдаги ҳалқага эга эканлиги тасдиқланди.



2- Схема. Циклостипулозид D (2) нинг кимёвий ўзгариши

Юқорида келтирилган маълумотларга асосланиб, ажратиб олинган циклоартан циклостипулозид D (2) циклосиверсигенин гликозиди ҳисобланади ва табиий янги бирикма бўлиб, қуйидагича тузилишга эга эканлиги исботланди: 3-O- $\beta$ -D-глюкопиранозид, 6-O- $\beta$ -D- ксилопиранозид -20R, 24S-эпоксициклоартан-3 $\beta$ ,6 $\alpha$ ,16 $\beta$ ,25-тетраол (2- схема).

### Янги циклостипулозид E (3) бирикмасининг тузилиши

Циклостипулозид E (3) нинг  $^1\text{H}$  ЯМР спектрида кучли майдонда 7 та -CH<sub>3</sub> гуруҳлари протонларининг ва циклопропан ҳалқа >CH<sub>2</sub> гуруҳи протонлари учун характерли бўлган бир протонли дублетлар АВ система

кўринишида  $^2J=3.9$  Гц га тенг катталиқдаги 0.25 ва 0.45 м.у. даги сигналлар мавжуд. Уч аъзоли ҳалқанинг мавжуд эканлигини ИҚ-спектрда кузатилган  $2792\text{ см}^{-1}$  даги ютилиш чизиқлари ҳам тасдиқлайди.

**3-бирикма** кислотали гидролиз қилинганда циклоасгенин **С (14)** олинди. ҚХ ёрдамида гидролизатдаги қанд қолдиқлари глюкоза ва ксилоза эканлиги аниқланди.  $^1\text{H}$  ва  $^{13}\text{C}$  ЯМР-спектрларида тўртта аномер протон сигналлари 4.78; 4.84; 4.92; ва 5.20 м.у. ва тўртта аномер углерод атомларининг 107.60; 105.68; 106.28 ва 98.75 м.у. сигналлари мавжуд. Бу маълумотлар бирикманинг (**3**) тетраозид эканлигидан далолат беради. Циклостипулозид **Е (3)** ва циклоасгенин **С (14)** ларнинг  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектрларини таққослаб ўрганиш натижасида **3**-моддада гликозилланиш эффекти генин қисмидаги тўртта С-3, С-6, С-16 ва С-25 углерод атомларида содир бўлганлигини кўрсатди. Бу тўртта углерод атоми сигналлари 88.77; 79.32; 82.84 ва 80.79 м.у. эга (4-жадвал).


4 – Жадвал

Циклостипулозид **Е (3)** нинг  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектридаги углерод атомларининг мультиплетлиги ( $\delta$ , м.у.,  $\text{C}_5\text{D}_5\text{N}$ , 0-ТМС)

№	С	№	С	№	С	№	С	№	С	№	С
1	32.57	11	26.26	21	19.04	3-O- $\beta$ -D-Xylp		4''	72.27	25-O- $\beta$ -D-Glcp	
2	30.05	12	32.83	22	30.22	1'	107.60	5''	78.79	1'''	98.75
3	88.77	13	45.63	23	34.55	2'	75.62	6''	62.27	2'''	75.35
4	42.72	14	46.86	24	78.86	3'	78.04	16-O- $\beta$ -D-Glcp		3'''	78.72
5	54.04	15	47.30	25	80.79	4'	71.85	1'''	106.28	4'''	71.85
6	79.32	16	82.84	26	22.32	5'	67.05	2'''	75.94	5'''	78.32
7	38.39	17	57.51	27	23.50	6-O- $\beta$ -D-Glcp		3'''	78.49	6'''	62.87
8	46.86	18	18.21	28	20.23	1''	105.68	4'''	71.27		
9	21.28	19	30.37	29	28.92	2''	75.85	5'''	78.14		
10	29.60	20	31.74	30	16.74	3''	77.62	6'''	62.94		

Циклостипулозид **Е** ни (**3**) *Helix plectotropis* шиллиқ қуртининг ўт суюқлиги билан ферментатив гидролиз қилиниши прогениннинг (**15**) олинishiга олиб келди. Бу **15**-моддани кислотали гидролиз қилганимизда генин сифатида циклоасгенин **С (14)** олинди. Гидролизатдаги қанд қолдиғи ҚХ ёрдамида аниқланиб, у *D*-ксилоза эканлиги тасдиқланди (3 - схема).

Прогениннинг (**15**) моносахарид қолдиғи  $^1\text{H}$  ЯМР спектрида аномер протон сигнали 4.86 м.у. да намоён бўлиб, дублет кўринишида  $\text{CCTK } ^2J=7.7$  Гц да кузатилади. Прогенин (**15**) ва циклоасгенин **С (14)** ларнинг  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектрларини таққослаганимизда С-3 углерод атоми сигнали генинга нисбатан 9.93 м.у. га кучсиз майдонга силжиганлиги аниқланди.




**3 - Схема.** Циклостипулозид **Е (3)** нинг кимёвий ва ферментатив ўзгариши Бундан, прогениндаги (**15**) қанд қолдиғи *D*-ксилоза эканлиги ва у модданинг генин қисмидаги С-3 углерод атоми гидроксил гуруҳи орқали боғланганлиги ҳақида хулоса чиқариш мумкин. Шундай қилиб, прогениннинг (**15**) тузилиши

циклоасгенин С нинг 3-О-β-D-ксилопиранозиди ҳисобланади. Аномер протонларнинг ССТК катталикларига асосланган ҳолда модданинг моносахарид қолдиқлари β-конфигурацияга ва пираноза шаклдаги ҳалқага эга эканлиги тасдиқланди.

Шундай қилиб, ажратиб олинган циклоартан қатори тритерпен циклостипулозид Е (3) табиий янги модда бўлиб қуйидагича тузилишга эга: 3-О-β-D-ксилопиранозид, 6,16,25-три-О-β-D-глюкопиранозид-24R-циклоартан-3β,6α,16β,24,25-пентаол.

### *Tragacantha stipulosa* ўсимлиги циклоартан моддаларининг идентификацияси

*Tragacantha stipulosa* ўсимлигидан ажратилган янги моддалардан ташқари адабиётларда олдиндан маълум бўлган троянозид А (4), циклоунифолиозид В (5), циклосиверсиозид Е (6), циклосиверсиозид F (7) ва циклоасцидозид Е (8) циклоартан бирикмалари ажратиб олинди (2- расм).



4. Троянозид А  
 5. Циклоунифолиозид В  $R_1 = \beta\text{-D-Glcp}(1 \rightarrow 2)\text{-}\beta\text{-D-Glcp}$ ,  $R_2 = \text{H}$   
 6. Циклосиверсиозид Е  $R_1 = R_2 = \beta\text{-D-Xylp}$   
 7. Циклосиверсиозид F  $R_1 = \beta\text{-D-Xylp}$ ,  $R_2 = \beta\text{-D-Glcp}$   
 8. Циклоасцидозид Е


2- Расм. *Tragacantha stipulosa* Boriss ўсимлигининг ер устки қисмидан ажратилган адабиётда маълум бирикмалар

#### Троянозид А (4) нинг тузилиши

Троянозид А нинг (4)  $^1\text{H}$  ЯМР спектрида 7 та  $-\text{CH}_3$  гуруҳлари протонларининг 0.89, 0.94, 0.98, 1.02, 1.19, 1.24 ва 1.25 м.у. даги сигналлари, циклопропан ҳалқа  $>\text{CH}_2$  гуруҳи протонлари учун характерли бўлган 0.17 ва 0.47 м.у. даги сигналлари, шунингдек, ИҚ спектрдаги  $3030\text{ см}^{-1}$  даги ютилиш чизиғи мавжудлиги 4-бирикманинг циклоартан бирикма эканлигидан далолат беради. Бу бирикманинг (4)  $^1\text{H}$  ЯМР спектрида учламчи протоннинг 1.95 м.у., даги синглет кўринишдаги сигналнинг мавжудлиги,  $^{13}\text{C}$  ЯМР спектрдаги углерод атомларининг 21.24 ва 171.25 м.у. да тебранган сигналлари, шунингдек, ИҚ-спектрада кузатилган мураккаб эфир боғлари учун тегишли бўлган  $1717\text{ см}^{-1}$  даги ютилиш чизиқлари молекулада битта ацетил гуруҳнинг мавжудлигидан дарак беради. ИҚ-спектрада кузатилган  $3416\text{ см}^{-1}$ ,  $1272$  ва  $1043\text{ см}^{-1}$  даги ютилиш чизиқлари 4 - бирикмада гидроксил ва мураккаб эфир гуруҳларининг мавжудлигини кўрсатади.

4-Модданинг ишқорий гидролизи унинг дезацетилли ҳосиласи бўлган циклосиверсиозид F (7) моддасининг олинишига олиб келди. 7 - Бирикмани кислотали гидролиз қилиш натижасида генин сифатида циклосиверсигенин

(12) моддаси олинди, углевод қисми эса ксилоза ва глюкоза эканлиги аниқланди (4–схема). 4- ва 7-бирикма спектрларини таққослаб ўрганиш натижасида 4-бирикманинг фақат 16-С атоми сигнали +1.54 м.у. га кучсиз майдонга силжиганлиги билан фарқ қилганлиги аниқланди. Бу маълумот 4-бирикмадаги ацетил гуруҳнинг С-16 углерод атомида жойлашганлигидан дарак беради.



4- Схема. Троянозид А (4) нинг кимёвий ўзгариши

Юқорида келтирилган барча маълумотлар гликозид 4 нинг тузилиши 3-*O*-β-*D*-ксилопиранозид, 6-*O*-β-*D*-глюкопиранозид, 16-*O*-ацетил-20*R*, 24*S*-эпоксициклоартан-3β,6α,16β,25-тетраол, яъни троянозид А моддаси эканлигидан далолат беради.

#### Циклоунифолиозид В (5) нинг тузилиши

Циклоунифолиозид В (5) нинг (2 - расм) <sup>1</sup>H ЯМР-спектрида кучли майдонда 0.17 ва 0.50 м. у. да циклопропан ҳалқаси метилен гуруҳи протонлари учун характерли бўлган АВ тизимидаги бирпротонли дублетлар, шунингдек, 7 та –CH<sub>3</sub> гуруҳлари сигналлари 0.96, 1.27, 1.28, 1.36, 1.40, 1.54 ва 1.93 м.у. мавжуд. Бу бирикманинг <sup>13</sup>C ЯМР спектрида эса циклопропан ҳалқа углерод атомлари учун хос бўлган сигналлар 20.9, 29.3 ва 30.1 м.у. да кузатилади. Бу маълумотлар модда циклоартан қатори тритерпен эканлигини кўрсатади.

5 - Бирикманинг <sup>1</sup>H ЯМР спектрида 4.99 ва 5.44 м.у. да дублет кўринишида иккита аномер протонлари ҳамда <sup>13</sup>C ЯМР спектрида 104.9 ва 106.3 м.у. да иккита аномер углерод атомлари сигналларининг мавжудлиги унинг биозид эканлигини тасдиқлайди. <sup>1</sup>H ва <sup>13</sup>C ЯМР-спектрлари ва 2D таҳлил натижалари ҳар икки углевод қолдиғи *D*-глюкоза эканлигини ва биринчи глюкоза қолдиғининг С-2 углерод атомига, иккинчи глюкоза қолдиғининг эса биринчисига бирикканлигини кўрсатади.

